

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВА УМИДА КУРБАНОВНА**

**ЯРАЛИ КОЛИТЛИ БЕМОРЛАРНИ НУТРИТИВ СТАТУСИНING  
ҲОЛАТИГА ҚАРАБ ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар  
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Абдуллаева Умида Курбановна**

Ярали колитли беморларни нутритив статусининг ҳолатига қараб  
даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш..... 3

**Абдуллаева Умида Курбановна**

Оптимизация терапии и реабилитации больных язвенным колитом в  
зависимости от состояния нутритивного статуса ..... 29

**Abdullayeva Umida Kurbanovna**

Optimization of therapy and rehabilitation of patients with ulcerative colitis  
depending on the nutritional status..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВА УМИДА КУРБАНОВНА**

**ЯРАЛИ КОЛИТЛИ БЕМОРЛАРНИ НУТРИТИВ СТАТУСИНИНГ  
ҲОЛАТИГА ҚАРАБ ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар  
14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.DSc/Tib894 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Каримов Мирвосит Мирвасикович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Собирова Гузал Наимовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ҳамраев Аброр Асрорович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Раимкулова Нарина Робертовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Рахимова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ярали колит (ЯК) йўғон ичакнинг сурункали яллиғланиши бўлиб, асосан меҳнатга лаёқатли ёшлар орасида кўп учрайди ва ижтимоий аҳмиятга молик. Бутун дунё бўйича ярали колит билан касалланиш ҳамда унинг тарқалиши йилига 100.000 аҳолига мос равишда 1,2-20,3% ва 7,6-245 ҳолатни ташкил қилади. Европа тадқиқотлари ярали колитнинг беморлар ҳаёт сифати ва даражаси, уларнинг иш билан машғуллиги, атрофдагилар билан муносабатига таъсирини тасвирлаб берган. Жаҳонда 20%дан ортиқ беморлар ўз ҳаётларида ҳожатга тез-тез чиқиш ёки ахлат йиғувчига эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келишади. Касалликка кеч ташхис қўйиш, оғир ва асоратли шакллари унинг яширин кечишидан далолат беради.

Бутун дунё замонавий соғлиқни сақлаш тизимида даволашда энг мукамал усулни танлаш ҳамда ундан кейинги реабилитация масалалари биринчи ўринда туришини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу муаммони ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Даволашга асосий ёндашувда касаллик оғирлик даражасига, унинг давомийлигига, қайта қўзишлар сонига, илгари даволашга амал қилганлигига, дори воситаларининг ноўя таъсирига ва ичакдан ташқари белгиларга таянилади. Мазкур касаллик реабилитациясида эса оксил-энергетик танқисликка, асосий хасталик кечишини ва оқибатини оғирлаштирилишига олиб келадиган нутритив ҳолат бузилишларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида меъёрлаштириш усулларига етарлича аҳамият қаратилиши лозим.

Бугунги кунда республикада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида ярали колитни ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга олиб чиқиш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ 5590-сон “Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ 5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ярали колитда нутритив статусига қараб даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштиришга жаҳоннинг бир қанча етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқотлари бағишланган, хусусан: Америка гастроэнтерологлар коллежи (АҚШ), Чикаго тиббиёт университети (АҚШ), Теннесси университети тиббиёт коллежи (АҚШ), Монреал Университети (АҚШ), Питтсбург университети тиббиёт факультети (АҚШ), Гарвард тиббиёт мактаби (АҚШ), Мелбурн университети (Австралия), Паулиста миллий университети (Бразилия), Барселона университети (Испания), Лондон имперал коллежи (Буюк Британия), Эдинбург университети (Буюк Британия), Ненси университети шифохонаси (Франция), Берлин эркин университети (Германия), Цюрих университети (Швейцария), Копенгаген университети (Дания), Сеул миллий университети (Корея), Кампания Луизи Ванвители университети (Италия), А.Н. Рижих номидаги колопроктология миллий тиббиёт тадқиқот маркази (Россия Федерацияси), Сеченов номидаги Москва давлат биринчи тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Қозон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Харьков тиббиёт миллий университети (Украина).

Roni Weisshof, Irit Chermesh (2015) томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида мазкур касалликнинг кеч ва қайтарилмас оқибатларининг олдини олиш учун нутритив етишмовчиликка аҳамият қаратиш муҳимлиги аниқланди. Мазкур касалликда юзага келадиган нутритив етишмовчиликни баҳолаш ва реабилитация чора тадбирларига тегишли бўлган бир қанча клиник тадқиқотлар ўтказилган (J.K. Yamamoto. F. 2017, Mahesh G. 2019, Zakiryaeva P. 2020, Andrzej W. 2016, Ziyu L. 2023, Back I.R. 2017, Elizabeth A. 2023, Danuta O. 2016, Stephan C. 2019, Masson D. 2020, Bischoff S.C. 2022, Marcelina R. 2022, Leda R. 2022, Paola B. 2020, Jung E.L. 2013, Beata J. 2023).

Хорошилов И.Э., Иванов С.В. (2011) ярали колит билан касалланган беморларда патогенетик даволаш сифатида TGF-В<sub>2</sub> сақловчи озуқа аралашмасини қўшиш самарали натижаларга олиб келганлигини аниқлашган.

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, [www.washington.edu](http://www.washington.edu), <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.kisma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

$V_2$ -трансформацион ўсиш омили (TGF- $V_2$ ) асосан регенерацияда иштирок этувчи шиллик қават яллиғланишга қарши унинг ўсиш омили бўлиб, ярали колитда ошадиган яллиғланиш чақирувчи интерлейкинлар миқдорини пасайтиради. Ярали колит билан касаллаган турли даражадаги нутритив етишмовчиликлари мавжуд беморларда TGF- $V_2$  миқдорининг камайиши кузатилади (Ziyu L. 2023, Sławomir M. 2023, Stephan C.V. 2020, Ryan U. 2017, J.L. de-León-Rendón 2021, Torsten K. 2020, Masson D. 2020, Jayadev R. 2012, Тертычный А.С. 2022, Никитин А.В. 2016).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ярали колитда юзага келадиган нутритив етишмовчиликни баҳолаш ва бартараф этиш ҳамда мазкур касаллик ремиссия даврларини чўзишга эришиш мумкин. Ҳозирги кунгача бўлган илмий тадқиқотлар ярали колит даволаш стандартларига мувофиқ касаллик оғирлик даражаларига мос ҳолда базис муолажалар сифатида глюкокортикостероидлар кенг қўлланилади. Аммо мазкур усулда даволаш барча беморларга бирдек мос келмайди, ва унда беморларнинг нутритив ҳолатларини инобатга олиш лозим (Torsten K. 2020, Смирнова О.А. 2019, Beata J. 2023, Робакидзе Н.С. 2019, Хлынова О.В. 2018, Костюченко Л.Н. 2015).

Сўнги йилларда ярали колит билан касалланган беморларни нутритив ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари асосида реабилитация чораларига бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Хусусан, нутритив бузилишларни ташхислаш, унинг антропометрик ва лаборатор кўрсаткичларини баҳолашнинг мунтазамлиги, шунингдек касалликнинг фаол босқичида ва айниқса ремиссия даврида қатъий асоссиз чекловчи парҳезларга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратилган. Бу йўналишдаги қатор илмий ишлар (Сафина Э.Р., 2020; Степанов Ю.М., 2019; Смирнова О.А., 2017, Юмукян К.А., 2022) бошқа бир қатор муаллифлар томонидан ҳам амалга оширилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонлик олимлар томонидан ярали колитда иммун тизимининг ҳолатини, касалликнинг шаклларини, оғирлигини аниқлаш мезони бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги (Дусанов А.Д., 2021) кўрсатилган, ярали колит билан касалланган беморларни даволашда иммунитетни коррекцияловчи терапиянинг роли (Закиряева П., 2020) қайд этган; ярали колит оғирлик даражаларини баҳолашда ноинвазив усулларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Каримов М.М., 2023). Аммо, мамлакатимизда ярали колит билан оғриган беморларни нутритив ҳолатига қараб даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш бўйича илмий кузатувлар олиб борилмаган.

Ярали колитни даволашда амалиётда оқсил-энергетик танқислигига, асосий касаллик кечишини ва оқибатини оғирлаштирилишига олиб келадиган нутритив ҳолат бузилишларини аниқлаш ҳамда уларни ўз вақтида меъёрлаштириш усулларига етарлича аҳамият қаратилмаслиги, шунингдек базис даволаш таркибидаги глюкокортикостероидлар барча беморларга бирдек мос келмаслиги ва уларни даволашга дифференциал ёндошиш

муҳимлигини инобатга олган ҳолда, мазкур касалликда даволаш ҳамда стероидсиз реабилитация чораларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотни ўтказишга бўлган эҳтиёж туғилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (01.2022 PhD 142) “Covid-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ярали колит билан касалланган беморларда яллиғланиш фаоллигининг клиник-асбобий баҳолаш кўрсаткичлари бўйича базис терапия негизида мақсадли TGF- $\beta$ 2 терапияси самарадорлигини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ярали колит билан касалланган беморларда клиник-анамнестик кўрсаткичлар таҳлилини ўтказиш;

Ярали колитда яллиғланиш чақирувчи ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг яллиғланиш фаоллиги ҳамда касаллик босқичи, клиник шакллари, кечиши ва давомийлиги ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрганиш;

Ярали колит билан касалланган беморларда антропометрия, биоимпедансометрия кўрсаткичлари асосида нутритив статусни ўрганиш;

Ярали колитни турли оғирлик даражалари ҳамда нутритив статус кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрганиш;

Ярали колит билан касалланган беморларда дифференциал терапия ва реабилитация самарадорлигини баҳолаш;

Ярали колит билан касалланган беморларда дифференциал терапия ва реабилитация алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2021-2023 йиллар давомида Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлими, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида амбулатор ва шифохона шароитида даволанган ярали колит билан касалланган беморлар жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ярали колит билан касалланган беморлар қони, қон зардоби, ахлати, антропометрия ва биоимпедансометрия маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда антропометрик, биоимпедансометрик, умумий қон таҳлили, биокимёвий, иммунофермент таҳлили, эндоскопик текшириш ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ярали колит билан касалланганлар ичида хасталик давомийлиги 5 йилдан ошмаган, ўрта оғир, ўткир кечиш тури, клиник белгилардан ич

кетиши ва ахлатда қон бўлиши каби белгилар, шунингдек, енгил ва ўрта оғир даражадаги нутритив етишмовчилик устунлиги аниқланган;

ярали колитнинг сурункали узлуксиз кечиш турида, шунингдек касаллик оғирлик, фаоллик даражаси, давомийлиги ошган сари нутритив статус кўрсаткичлари ва TGF- $\beta_2$  пасайиб бориши, яллиғланиш маркерларининг ошиб бориши исботланган;

ярали колитли беморларни базис даволаш жараёнида глюкокортикостероидларни қўллашга чекловчи омиллар бўлганда ва уларни қўллаганда ножўя таъсирлар кузатилганда унинг ўрнига 5-аминосалицил кислота дори воситалари билан бирга TGF- $\beta_2$  сақловчи нутритив аралашмани тавсия этиш имконияти асосланган;

TGF- $\beta_2$  сақловчи нутритив аралашманинг базис даволаш билан биргаликда қўлланилиши ярали колитли беморларда нафақат нутритив статуснинг тикланиши, балки яллиғланиш цитокинлари фаоллигини чеклаши хисобига патогенетик даволаш ҳамда реабилитация имконияти исботланган.

ярали колит билан касалланган беморларда нутритив етишмовчиликни тиклашга ва стероидсиз ремиссияни имкон борича чўзишга кўмаклашадиган дифференциал терапия ҳамда реабилитация чоралари ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:**

ярали колитли беморларни базис даволаш комплексида (5-АСК, ГКС, кўрсатма бўйича азатиоприн) га нутритив аралашмани қўшиб қўлланилиши беморларнинг нутритив ҳолатини тикланиш имкониятини яратади;

ярали колитли беморларнинг TGF- $\beta_2$  компонентли нутритив аралашма таъсирида нутритив ҳолатининг тикланиши асосан танадаги мушаклар массасининг кўпайиши хисобига ошади;

мазкур нутритив аралашмани ярали колитли касалларда базис даволаш комплексида қўлланилиши нафақат беморларнинг нутритив ҳолатини тикланилиши, шу жумладан даволаниш самарадорлиги оширишга имконият яратади;

ярали колит мавжуд беморларни даволашда стандарт терапия таркибида TGF- $\beta_2$  компонентли нутритив аралашманинг қўлланилиши яллиғланиш чақирувчи цитокинлари ( $\alpha$ - $\text{ҶНО}$ , ИЛ-6, ИЛ -17А) фаоллигини чеклайди ва касалликнинг кечиш оғирлигини камайтиришга мойиллик яратади;

TGF- $\beta_2$  компонентли нутритив аралашма моддасини ярали колитли беморларда қўлланилишига яна бир асосий кўрсатма, уларни даволанишида ГКСларни қўлланилишига нисбий қарши кўсатмалар бўлган ҳолатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, ўтказилган текширувларни услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқотга киритилган беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи антропометрик, биоимпедансометрик, умумклиник, умумклиник, биокимёвий, серологик, эндоскопик кўрсаткичлар ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ярали колитли беморларни нутритив статусининг ҳолатига қараб даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш

натижалари халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ярали колит билан касалланган, ГКСга қарши кўрсатмаси мавжуд ёки уларни қўллашда чекловчи омиллар бўлганда беморларда базис даволаш билан бирга TGF- $\beta$ 2 омили сақловчи нутритив аралашмани қўллаш натижасида яллиғланиш цитокинларининг (УНО- $\alpha$ , ИЛ-6, ИЛ-17А) фаоллигини пасайтириш ва нутритив ҳолатни тиклашнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ярали колит билан касалланган беморларда яллиғланиш фаоллигини пасайтириш ва нутритив ҳолатни тиклаш ҳисобига самарали даволаш ва реабилитация чораларини тиббиёт амалиётига жорий этиш ҳудудий, ижтимоий ва иқтисодий омилларга қараб даволашнинг амалдаги тамойиллари ва стандартларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш имконини яратилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиниши.** Ярали колит билан касалланган беморларда яллиғланиш фаоллигининг клиник-асбобий баҳолаш кўрсаткичлари бўйича базис муолажалар негизида мақсадли TGF- $\beta$ 2 терапияси самарадорлигини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: ярали колит билан касалланганлар ичида касаллик давомийлиги 5 йилдан ошмаган, ўрта оғир, ўткир кечиш тури, клиник белгилардан ич кетиши ва ахлатда қон бўлиши каби белгилар, енгил ва ўрта оғир даражадаги нутритив етишмовчилик устунлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 март м-қ/5–сон билан тасдиқланган “Ярали колитда даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома ҳамда Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 12 июндаги 23н-т/2 сон билан тасдиқланган “Ярали колит оғирлик даражасини баҳолашда янги усулни ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича 2023 йил 17-октябрдаги 81-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 2023 йил 13-октябрдаги 01/322-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2023 йил 23-ноябрдаги 6-сон, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси бўйича 2023 йил 7-августдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 1-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Ярали колитли беморларни базис даволаш комплексида (5-АСК, ГКС, кўрсатма бўйича азатиоприн) га нутритив аралашмани қўшиб қўлланилиши беморларнинг нутритив ҳолатини

тикланиш имкониятини яратади. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши ярали колитни даволаш чоратадбирларига сафрланадиган харажатларни камайтириш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: ярали колитнинг сурункали узлуксиз кечиш турида, шунингдек касаллик оғирлик, фаоллик даражаси, давомийлиги ошган сари нутритив статус кўрсаткичлари ва TGF- $\beta_2$  пасайиб бориши, яллиғланиш чақирувчи маркерларининг ошиб бориши исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 март м-қ/5–сон билан тасдиқланган “Ярали колитда даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома ҳамда Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 12 июндаги 23н-т/2 сон билан тасдиқланган “Ярали колит оғирлик даражасини баҳолашда янги усулни ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича 2023 йил 17-октябрдаги 81-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 2023 йил 13-октябрдаги 01/322-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2023 йил 23-ноябрдаги 6-сон, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси бўйича 2023 йил 7-августдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 1-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган усулнинг жорий этилиши ярали колитли беморларни нутритив статусининг холатига қараб даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ушбу патология билан касалланган беморларни даволашга сарфланадиган бир бемор учун 732 000 сўм иқтисод қилинса, йиллик иқтисодий кўрсаткич 81 260 000 сўмни (128 нафар бемор учун) ташкил қилади. Натижада беморнинг шифохонада даволаниши 5 кунга қисқариб, бунинг натижасида бюджет маблағларининг 35% кам сарфланишига имкон берган.

учинчи илмий янгилик: ярали колитли беморларни базис даволаш жараёнида глюкокортикостероидларни қўллашни чекловчи омиллар бўлганда ва уларни қўллаганда ноўя таъсирлар кузатилганда унинг ўрнига 5-аминосалицил кислота дори воситалари билан бирга TGF- $\beta_2$  сақловчи нутритив аралашмани қўллаш имконияти асосланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 март м-қ/5–сон билан тасдиқланган “Ярали колитда даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома ҳамда Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 12 июндаги 23н-т/2 сон билан тасдиқланган “Ярали колит оғирлик даражасини баҳолашда янги усулни ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома

мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича 2023 йил 17-октябрдаги 81-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 2023 йил 13-октябрдаги 01/322-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2023 йил 23-ноябрдаги 6-сон, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси бўйича 2023 йил 7-августдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 1-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Мазкур нутритив аралашмани ярали колитли касалларда базис даволаш комплексида қўлланилиши нафақат беморларнинг нутритив ҳолатини тикланилиши, балки даволаниш самарадорлиги оширишга имконият яратади. Иқтисодий самарадорлиги: ярали колит билан касалланган беморларда яллиғланиш фаоллигининг клиник-асбобий баҳолаш кўрсаткичлари бўйича базис терапия негизида мақсадли TGF- $\beta_2$  терапияси самарадорлигини ўрганиш натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши даволаш ва реабилитация чоралари самарадорлигини ошириш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: TGF- $\beta_2$  сақловчи нутритив аралашманинг базис даволаш билан биргаликда қўлланилиши ярали колитли беморларда нафақат нутритив статуснинг тикланиши, шунингдек яллиғланиш цитокинлари фаоллигини чеклаши ҳисобига патогенетик даволаш ва реабилитация имконияти исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 март м-к/5-сон билан тасдиқланган “Ярали колитда даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома ҳамда Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 12 июндаги 23н-т/2 сон билан тасдиқланган “Ярали колит оғирлик даражасини баҳолашда янги усулни ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича 2023 йил 17-октябрдаги 81-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 2023 йил 13-октябрдаги 01/322-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2023 йил 23-ноябрдаги 6-сон, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси бўйича 2023 йил 7-августдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 1-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Ярали колит мавжуд беморларни даволашда стандарт терапия таркибида TGF- $\beta_2$  компонентли нутритив аралашманинг қўлланилиши яллиғланиш чақирувчи цитокинлари фаоллигини чеклайди ва касалликнинг кечиб оғирлигини камайтиришга мойиллик яратади. Иқтисодий самарадорлиги: ушбу даволаш ва реабилитация алгоритмидан фойдаланиш орқали ярали колит мониторинги, даволаш ва реабилитацияга сарфланадиган маблағларни сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

бешинчи илмий янгилик: ярали колит билан касалланган беморларда нутритив етишмовчиликни тиклашга ва стероидсиз ремиссияни имкон борича узайтиришга кўмаклашадиган дифференциал терапия ва реабилитация чоралари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 март м-к/5–сон билан тасдиқланган “Ярали колитда даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома ҳамда Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 12 июндаги 23н-т/2 сон билан тасдиқланган “Ярали колит оғирлик даражасини баҳолашда янги усулни ишлаб чиқиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича 2023 йил 17-октябрдаги 81-сон, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 2023 йил 13-октябрдаги 01/322-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2023 йил 23-ноябрдаги 6-сон, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси бўйича 2023 йил 7-августдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 1-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган дифференциал терапия ва реабилитация чоралари ярали колит билан касалланган беморларда нутритив етишмовчиликни тиклашга ва стероидсиз ремиссияни имкон борича узайтириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: глюкокортикостероидларга нисбий қарши кўрсатмаси мавжуд беморларда стандарт терапияга қўшимча TGF- $\beta$ 2 сақловчи озуқа аралашмасини қўллаш стероидсиз ремиссияни чўзиб, стационарга ётиш кунларини қисқартиришга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 170 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ҳамда

технологияларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мувофиқлиги, шунингдек, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, уларнинг ишончлилиги кўрсатилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи. Ярали колит тўғрисидаги замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобда ЯК эпидемиологияси, хавф омиллари, клиник хусусиятлари ва ичакдан ташқари белгилари, ташхисоти, фаоллик даражасини аниқлаш, унда нутритив ҳолат бузилишлар сабаблари ва клиник жиҳатлари, уларни баҳолаш ва нутритив терапия каби бўлимлардан иборат. ЯК эпидемиологияси бўлимида унинг яқин ва узоқ хорижий давлатларда тарқалишини охириги 5 йиллик маълумотларни ўз ичига олган адабиётлар асосида баён этилган. ЯК хавф омиллари бўлимида ёш ва жинс, ирқ ва этник келиб чиқиш, ирсият, чекиш, парҳез, ичак микробиоти, аппендектomia каби хавф омиллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Касалликнинг клиник хусусиятлари ва ичакдан ташқари белгилари бўлимида мазкур касаллик клиник кечиши ҳақидаги маълумотлар солиштирма таҳлил қилинган. ЯК ташхисоти бўлимида лаборатор текширувлар, жумладан қон зардоб таҳлили, нажас таҳлили, асбобий текширувлар, хусусан эндоскопия, гистопатологиядан кейинги ретгеноскопия, икки контрастли барийли ҳуқна, қорин бўшлиғи компьютер томографияси каби текширув усуллари батафсил ёритилган. ЯК фаоллик даражасини аниқлаш бўлимида унинг Монреал таснифи, Мейо баҳолаш тизими, касаллик оғирлик даражасини халқаро аниқлаш тизимлари ҳақида, шунингдек унинг ремиссияси, даволашга жавоб бериш ҳолати, қайта кўзиш, стероидга ва иммуномодуляторга чидамли ЯК турлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материали ва усуллари”** деб номланган иккинчи боби ЯК билан касалланган беморлар клиник тавсифи, нутритив ҳолатни аниқлаш, умумклиник ва биокимёвий таҳлил усуллари, эндоскопик, иммунологик текшириш усуллари қўлланилган, даволаш тавсифи, олинган натижаларнинг статистик ишлови тўлиқ баён этилган.

Кўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда тадқиқот Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (РИТ ва ТРИАТМ) гастроэнтерология бўлими, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (БВКТТМ) гастроэнтерология бўлимларида 2021-2023 йилларда олиб борилди. Тадқиқотга ЯК билан ташхисланган, шифохона ва амбулатор шароитда даволанган 128 бемор ҳамда 30 нафар соғлом шахслар киритилди.

Тадқиқотга киритилган беморлар ва амалий соғломлар нутритив ҳолати антропометрия, биоимпедансометрия усулларида аниқланди.

Нутритив етишмовчиликни аниқлаш учун дастлаб антропометрик кўрсаткичлардан тана вазни камайиши (ТВК), тана вазни индекси (ТВИ), елка айланаси (ЕА), уч бошли мушак усти бурмаси қалинлиги (УБМУБК) кабилар қўлланилди.

Нутритив етишмовчиликни аниқлаш шкалаларидан бири нутритив хавф индекси (NRI) баҳолаш тизими бўлиб, қуйида келтирилган формула ёрдамида аниқланади:

$$NRI = [1,519 * \text{зардобдаги альбумин даражаси (г/л)} + (\text{айни вақтдаги тана вазни} / \text{одатдаги тана вазни})] * 100$$

NRI натижалари қуйидагича баҳоланди:

>100 – нутритив етишмовчилик мавжуд эмас

97,5-100 – енгил даражали нутритив етишмовчилик

83,5-97,4 – ўрта оғир даражали нутритив етишмовчилик

<83,5 – оғир даражали нутритив етишмовчилик

Тана таркибини билиш учун, беморлар соғлиги ҳолати ва жисмоний қобилятини бир зумда таҳлил қилишга ва керакли вақт давомида мазкур кўрсаткичларнинг ўзгаришини кузатишга имкон берадиган кўп тўлқинли In Body биоимпеданс сегментли анализатори қўлланилди.

Биоимпеданс таҳлили иккала жинс вакилларида алоҳида ҳолда қуйидаги кўрсаткичларни аниқлашга имкон берди: тананинг ёғсиз вазни (кг ва %), ёғли вазн (кг ва %), умумий суюқлик (кг ва %), висцерал ёғ (нисбий бирлик), суяк вазни (кг), мукамал тана вазни (кг), асосий алмашинув (ккал).

Умумий қон таҳлили Dymind df50crp (Хитой) анализаторда, қоннинг биокимёвий таҳлили Mindray bs240 pro (Хитой) автомат анализаторида, умумий сийдик таҳлили Puman Combilyzer 13 (Германия) анализаторида.

ЯКда йўғон ичак шиллиқ қавати ҳолати Fujifilm 4450hd видеопроектор, Fujinon ec-530fl видеоколоноскопия (Япония) ёрдамида ўтказилди.

Тадқиқотда касаллик таснифида кўзиш оғирлигини баҳолаш учун Truelove-Witts меъзонлари билан биргаликдаги Европа консенсуси тавсияларига асосан Россия гастроэнтерологлари ва колопроктологлари жамияти томонидан ишлаб чиқилган меъзонлар қўлланилди. Йўғон ичак зарарланганлик даражасини баҳолаш мақсадида ЯКнинг Монреал таснифи ишлатилган.

Тадқиқотга киритилган барча беморлар ҳамда назорат гуруҳидаги шархлар қон зардобини иммунофермент таҳлил (ИФТ) MINDRAY MR-96A (Хитой) анализаторида Бухоро шаҳар “ENDOMED” тиббиёт-диагностика клиникасида лабораториясида текширилди. ИФТ усули ёрдамида яллиғланишга қарши интерлейкин (TGF-β<sub>2</sub>) ҳамда яллиғланиш чақирувчи маркерлар (Calprotectin, α-ЎНО, ИЛ-6, ИЛ-17А) аниқланди.

Тадқиқотга киритилган ЯК билан касалланган беморларга даволашда базис даволаш, яъни 5-АСК ва кортикостероидлар касаллик оғирлик даражаси, типи, calprotectin миқдорига кўра қўлланилди.

Шунингдек таркибида TGF-β<sub>2</sub> сақлаган озуқа аралашмаси қуйидаги кўрсатмаларга асосан қўлланилди:

- 3 ой давомида базис терапиядан клиник самара кузатилмаслиги
- ГКСни яхши ўзлаштира олмаслик ва уларга чидамлилиكنинг ривожланиши
- тана вазнининг етишмовчилиги

- Кушинг синдромининг ривожланиши, яъни биоимпедансометрия натижалари асосида тана вазнининг фақат ёғ массаси ҳисобига ошиши.

Беморлар мазкур озуқа аралашмасини 12-14 кун давомида кунига 400-600 мл миқдорда, 2-3 маҳалга бўлиб кичик порциялар билан қабул қилишди.

Беморларни даволаш давомида кузатиш стационарда бўлган вақтидан ташқари, 10 кун, уч ва олти ой давомида олиб борилиб, яқин ва узоқ натижалар сифатида беморлар аҳволи, клиник-лаборатор текширувлар натижалари баҳоланди.

Тадқиқот давомида олинган натижалар Windows XP учун SPSSv.15.0 (2007) ва MS Excel дастури, Prism (Graphpad) дастури ёрдамида амалга оширилган статистик қайта ишловдан ўтказилди. Статистик ишончликни аниқлашда Фишер тести, ANOVA тести, ПEARсон корреляцион тестидан фойдаланилди.

Категорик турдаги маълумотларда статистик анализ қилишда Хи-квадрат тестидан фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Шахсий тадқиқотлар натижалари. Ярали колит билан касалланган беморлар умумий тавсифи, клиник-лаборатор таҳлил натижалари”** деб номланиб, ЯК билан касалланган беморлар умумий клиник тавсифи, умумклиник ва биокимёвий таҳлил натижалари келтирилган.

ЯК билан касалланган беморлар ичидан эркаклар сони устунлик қилди, яъни эркаклар 72 (56,3%) нафар ва аёллар 56 (43,7%) нафар. Ёш таҳлили ЖССТ тавсиясига мувофиқ, 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган беморлар (n=79 (61,7%)) бошқа ёш категориясига қараганда устунлик қилди. Шунингдек, 28 нафар (21,9%) беморларда касаллик 44-59 ёшда, 21 (16,4%) нафарида эса 60-74 ёш атрофида кузатилган, 75-90 ва 90 ёшдан юқори бўлган беморлар тадқиқотимиз давомида кузатилмади.

Бундан ташқари касаллик кечиш давомийлиги бўйича ҳам таҳлил қилинди. Аксарият ҳолларда касаллик давомийлиги 5 йилдан ошмаган беморлар (n=76 (59,4%)) орасида ҳамда айнан эркак беморлар (n=41 (32%)) орасида кўпроқ учради. 6 йилдан 10 йилгача давомида ЯК билан касалланган беморлар 32 нафарни (25%), 11 йилдан 20 йилгача 20 нафарни (15,6%) ташкил қилди. Ушбу натижалар ЯК кўпинча ёш ва меҳнатга лаёқатли кишилар орасида учрашини ва адабиётлардаги статистик маълумотларни тасдиқлайди.

128 нафар беморлар ичидан асосан ўрта оғир турдаги ЯК билан касалланган беморлар 64 (50%) устунлик қилди, енгил тури (n=36 (28,1%)) ўрта оғир турига нисбатан 2,2 баравар кам ва оғир тури (n=28 (21,9%)) эса деярли 3 баравар кам.

Касаллик кечиш турига кўра ЯКнинг ўткир (n=71 (55,5%)), сурункали узлуксиз (n=32 (25%)), сурункали қайталанувчи (25 (19,5%)) кечишдаги турларининг учраш даражасида деярли катта фарқ кузатилмади.

Schroeder эндоскопик таснифи бўйича касаллик фаоллик даражалари аниқланганида, ўртача фаоллик даражаси ((n=48 (37,5%)) бошқаларига қараганда нисбатан кўпроқ учради, кам фаоллик ((n=42 (32,8%)) ва яққол

фаоллик ((n=38 (29,7%)) даражалари деярли бир хил фоизда учради.

Тадқиқотда иштирок этган ЯК билан касалланган беморларда касаллик клиник кўринишлари турлича намоён бўлди. Барча беморларда муайян миқдорда вазн камайиши мавжуд эди. Мазкур беморларда асосан 89% ҳолатда ич кетиш, кейинги ўринда 78,9% ҳолатда ахлатда қон бўлиши устунлик қилди. Кейинги ўринларда касалликнинг қоринда оғриқ, кўнгил айнаши, қусиш, иситма, ҳолсизлик каби бошқа белгилари нисбатан камроқ фоизда учради.


Мазкур касаллик билан касалланган ва назорат гуруҳидаги шахсларда умумий қон анализ натижалари солиштирма таҳлили ўтказилганида, назорат гуруҳидаги шахсларга нисбатан ЯК билан касалланган беморларда эритроцитлар миқдорининг озаёиши 1,4 марта, гемоглобин миқдорининг камайиши 1,9 марта, лейкоцитлар миқдорининг 2,6 марта ва тромбоцитлар миқдорининг ошиши 2 марта, эритроцитлар чўкиш тезлигининг (ЭЧТ) 5,6 марта кўтарилиши кузатилди, бу эса ичакда фаол яллиғланиш жараёни бораётганлигидан ва жароҳатланиш майдонининг кенгайтганлигидан далолат беради. Назорат гуруҳидаги шахсларда эса умумий қон ва биокимёвий таҳлил натижалари меъёрий чегаралардан силжимади.

Биокимёвий анализ натижалари таҳлил қилинганида, ЯК билан касалланган беморларда назорат гуруҳидаги шахсларга нисбатан умумий оксил ва зардобдаги альбумин миқдори 1,5 баробарга камайганлиги кузатилди, бу эса парчаланиш жараёнлари фаол бораётганлигидан ва нутритив етишмовчилик ривожланаётганлигидан далолат беради. Шу билан биргаликда яллиғланиш жараёнларига жавоб сифатида, С-реактив оксил (СРО) назорат гуруҳидаги шахсларга нисбатан деярли 15 баробар ошиши, глюкоза миқдори 1,6 марта ошиши, креатинин миқдорининг нисбатан камроқ ошиши ва жигар ферментлари (АЛАТ ва АСАТ) ҳамда мочевина миқдорининг деярли ўзгармаганлиги кузатилди.

Диссертациянинг **“Ярали колит билан касалланган беморларда нутритив статус таҳлил натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида антропометрик ТВК (%), ТВИ, елка айланаси (см), УБМУБҚ (мм) каби кўрсаткичлар ва NRI ҳамда биоимпедансометрия бўйича таҳлил натижалари келтирилган.

Антропометрик ТВК (%), ТВИ, елка айланаси (см), УБМУБҚ (мм) каби кўрсаткичлар ва NRI бўйича таҳлил ўтказилганда тадқиқотдаги ЯК билан касалланган беморларнинг биронтасида оғир даражадаги нутритив етишмовчилик кузатилмади. ТВК фоизларда ҳисобланганда ўртача  $4,7 \pm 0,82\%$ , ТВИ эса  $18,7 \pm 3,56$ , ЕА ва УБМУБҚ эркак беморларга қараганда аёл беморларда кўпроқ ўлчамларда камайган, яъни эркакларда ЕА  $26,6 \pm 7,67$ , бўлса аёлларда  $19,5 \pm 5,63$ , УБМУБҚ эркакларда  $11,5 \pm 2,38$  бўлса, аёлларда  $10,3 \pm 2,16$  ни ташкил қилди (1-расм).

## Антропометрик кўрсаткичлар



**1-расм. ЯК билан касалланган беморларда ва назорат гуруҳидаги шахсларда антропометрик кўрсаткичлар таҳлил натижалари**

Изоҳ: ТВК – тана вазни камайиши, ТВИ – тана вазни индекси, ЕА – елка айланаси, УБМУБҚ – уч бошли мушак усти бурмаси қалинлиги, NRI nutritional risk index (озуқавий хавф индекси) – Назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси: \* –  $p < 0,05$ ; \*\* –  $p < 0,001$ ; \*\*\* –  $p < 0,0001$ .

Кейинги босқичда антропометрия кўрсаткичлари ва NRI ЯК оғирлик даражаси бўйича таҳлил қилинди. ТВК енгил кечишдаги турида ўрта оғир туридан 2 баробар, оғир кечувдаги туридан деярли 2,5 баробар кам фоизда эди. ТВИ эса ЯК 3 ла кечишдаги турларида меъерий чегаралардаги натижаларни қайд этди. ЕА ,УБМУБҚ ва NRI эса эркак ва аёлларда енгил кечишдаги ЯКда бошқа кечиш турларига қараганда 1-1,3 баробар кам натижага эга бўлди.

Турли кечиш вариантдаги ЯКда антропометрия кўрсаткичлари ва NRI таҳлил қилинганида сурункал узлуксиз кечишида яққолроқ ўзгаришлар қайд этилганлиги намоён бўлди. Масалан, ТВК сурункали узлуксиз ЯКда ўткир ва сурункали қайталанувчи кечиш вариантга нисбатан 1,3-1,6 марта кўпроқ фоизда, ТВИ, ЕА УБМУБҚ ва NRI эса аксинча иккала жинс вакилларида ўткир ва сурункали қайталанувчи вариантларига нисбатан сурункали узлуксиз кечишида 1,5 баробар кам натижа қайд этилди.

ЯК билан касалланган беморларда касаллик фаоллик даражаларига боғлиқ ҳолда антропометрик кўрсаткичлар таҳлил қилинганида яққол фаолликдаги ЯКда барча натижалар тана вазнининг яққол етишмовчилик белгилари намоён бўлганлигини кўриш мумкин, хусусан ТВК яққол фаолликдаги ЯКда бошқа фаоллик турларига нисбатан 2-2,5 марта кўпроқ

фоизда учраганлиги, ТВИ, ЕА, УБМУБК эса иккала жинс вакилларида бошқа фаоллик турига нисбатан деярли 1,5 марта камроқ натижани, NRI эса кам фаолликда меърий чегарада, қолган фаоллик даражаларида бир оз камроқ (95,7 ва 91,3) натижаларни қайд этди.

ЯК билан касалланган беморларда касаллик давомийлигига боғлиқ ҳолда антропометрик кўрсаткичлар таҳлил қилинганида касаллик давомийлиги ошган сайин мазкур кўрсаткичлар салбий томонга ўзгарганлиги кузатилди, масалан ТВК 11-20 йил давомийликдаги ЯКда камроқ дамийликдаги турларига қараганда деярли 1,5-2 баробар кўпроқ фоизни намоён қилганлиги, ТВИ, ЕА, УБМЎБК эса аксинча 11-20 йилгача давомийликдаги ЯКда бошқа давомийлик турларига нисбатан 1-1,5 марта камроқ натижа, NRI эса 5 йилгача турида меърий натижа, қолган давомийликдаги турларида меърий чегарадан камроқ натижаларни (96,3 ва 93,2) қайд этди.

Тақиқотдаги беморларда биоимпедансометрик таҳлил натижалари жинс бўйича назорат гуруҳидаги шахслар билан солиштирилган ҳолда баҳоланганда, барча кўрсаткичларнинг соғлом нутритив етишмовчилиги бўлмаган шахсларга қараганда камайганлиги кузатилди. Тананинг ёғсиз вазни эркакларда ўртача 52,3 кг, аёлларда 40,8 кгни ташкил қилди. Ёғли вазн кг ва % ларда таҳлил қилинганида эркаклар ва аёлларда мос равишда 11,5 кг ва 16,7% ҳамда 15,2 кг ва 26,6%. Умумий суюқлик кг ва % ларда ўлчанганда, назорат гуруҳига нисбатан 1,2 марта камайганлиги кузатилди. Висцерал ёғ нисбий бирликлар (н.б.)да ўлчанганда эркак ва аёл беморларда назорат гуруҳига нисбатан 2-2,5 баробар камайганлиги аниқланди. Суяк вазни ЯК билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳидаги шахсларда ўзгариш кузатилмади. Лоренц бўйича мукамал тана вазни эркак ва аёл беморларда назорат гуруҳидаги шахсларга нисбатан 1,1 марта камайганлиги аниқланди. Харрис-Бенедикт ва Сколфилд бўйича асосий алмашинув ҳисобланганда эркак ва аёл беморларда назорат гуруҳидаги шахсларга нисбатан деярли 1,2 марта камайганлиги кузатилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Биоимпедансометрия таҳлили бўйича ЯК билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳидаги шахсларнинг тана таркиби микдорий тавсифи

Кўрсаткич	Жинс	Асосий гуруҳ, n=128 (100%)	Назорат гуруҳи, n=30 (100%)	p
Тананинг ёғсиз вазни, кг	Эркаклар	52,3±9,2	60,5±12,1	0.693532
	Аёллар	40,8±6,3	44,8±7,5	0.757330
Ёғли вазн, кг	Эркаклар	11,5±1,5	19,2±3,6	0.028909
	Аёллар	15,2±2,6	23,9±4,7	0.113101
Ёғли вазн, %	Эркаклар	16,7±3,1	24,3±4,4	0.282500
	Аёллар	26,6±5,3	35,6±6,5	0.192995
Умумий суюқлик, кг	Эркаклар	38,5±7,4	44,3±7,1	0.724581
	Аёллар	31,4±6,8	34,7±6,9	0.811089
Умумий суюқлик, %	Эркаклар	49,7±8,8	55,9±9,8	0.753019
	Аёллар	40,3±7,9	46,8±7,4	0.684012

Висцерал ёғ, н.б.	Эркаклар	4,6±0,3	11,2±1,9	<0.000001
	Аёллар	3,7±0,2	7,1±0,8	<0.000001
Суяк вазни, кг	Эркаклар	3,1±0,1	3,3±0,4	0.481371
	Аёллар	2,3±0,2	2,4±0,2	0.805306
Мукаммал тана вазни (Лоренц бўйича), кг	Эркаклар	61,5±10,4	69,4±13,6	0.736858
	Аёллар	51,8±8,3	57,7±10,5	0.730839
Асосий алмашинув (Харрис-Бенедикт бўйича), ккал	Эркаклар	1528,4±378,2	1783,4±453,7	0.764242
	Аёллар	1216,7±302,3	1398,5±349,2	0.769204
Асосий алмашинув (Сколфилд бўйича), ккал	Эркаклар	1558,1±365,4	1792,6±455,7	0.775798
	Аёллар	1236,8±312,8	1427,1±153,2	0.758696

Изоҳ: р - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиқ даражаси: \* –  $p < 0.05$ ; \*\* –  $p < 0.01$ ; \*\*\* –  $p < 0.001$ .

Кейинчалик ЯК билан касалланган беморларда ЯК оғирлик даражаларига боғлиқ ҳолда биоимпедансометрия таҳлил ўтказилди. Касаллик оғир кечувида бошқа турларига нисбатан барча биоимпедансометрик кўрсаткичлар камайганлиги яққол намоён бўлди.

ЯК билан касалланган беморларда касаллик кечиш вариантларига боғлиқ ҳолда биоимпедансометрия кўрсаткичларининг ўзгариши таҳлил қилинганда, касалликнинг сурункали узлуксиз кечувчи вариантыда бошқа кечиш вариантларига нисбатан мазкур кўрсаткичларнинг нисбатан камайганлиги аниқланди.

ЯК билан касалланган беморларда касаллик фаоллик даражаларига боғлиқ ҳолда биоимпедансометрик кўрсаткичлар таҳлил қилинганда, касалликнинг яққол, яъни юқори фаоллик турида барча кўрсаткичлар нисбатан камроқ эканлиги қайд қилинди.

ЯК билан касалланган беморларда касаллик кечиш давомийлигига боғлиқ ҳолда биоимпедансометрик кўрсаткичлар таҳлилида касаллик давомийлиги ошган сари мазкур кўрсаткичларнинг миқдори камайганлиги кузатилди, яъни ЯКнинг 11 йилдан 20 йилгача давомийликдаги кечиш турида мазкур кўрсаткичлар бошқа турига нисбатан камроқ миқдорда аниқланганди.

Диссертациянинг бешинчи боби **“Ярали колит билан касалланган беморларда яллиғланиш маркерлари таҳлил натижалари”** деб номланиб, қон зардобида яллиғланиш чақирувчи  $\alpha$ -ЎНО, ИЛ-6, ИЛ-17А, Calprotectin ҳамда яллиғланишга қарши TGF- $\beta$ 2 кўрсаткичлари натижалари асосий ва назорат гуруҳда, шунингдек, касаллик оғирлик даражалари бўйича яллиғланиш маркерлари таҳлили, касаллик кечиш вариантлари бўйича, касаллик фаоллик даражалари бўйича, касаллик давомийлиги бўйича яллиғланиш маркерлари таҳлил натижалари келтирилган.

Қон зардобида аниқланадиган яллиғланиш маркерлари таҳлили натижаларига асосан асосий гуруҳ беморларида назорат гуруҳдаги шахсларга нисбатан  $\alpha$ -ЎНО деярли 30 марта ошганлиги, ИЛ-6 6,5 марта, ИЛ-17А 2,7 марта, TGF- $\beta$ 2 деярли 2 марта камайганлиги кузатилди. Ахлатда аниқланадиган яллиғланиш маркери Calprotectin эса назорат гуруҳидаги

шахсларга нисбатан асосий гуруҳ беморларида 5,5 баробар кўпроқ миқдорда (432,6±84,5 нг/мл) аниқланди (2-жадвал).


## 2-жадвал

### ЯК билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳидаги шахсларда яллиғланиш чақирувчи ва яллиғланишга қарши маркерлар таҳлили

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ, n=128 (100%)	Назорат гуруҳи, n=30 (100%)	p
α-ЎНО, пг/мл	6.9±0.43	0.24±0.02	<0.000001
ИЛ-6, пг/мл	11.5±1.47	1.76±0.23	0.0016
ИЛ-17А, пг/мл	22.9±4.51	8.41±0.89	0.123167
TGF-β2, пг/мл	12.4±1.26	23.7±4.78	0.001389
Calprotectin, нг/мл	432.6±84.5	79.5±17.4	0.045541

Изох: p – назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси

Шунингдек, асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда яллиғланиш маркерлари α-ЎНО, ИЛ-6, ИЛ-17А, Calprotectin, TGF-β2 ҳамда СРО орасида корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинди (2-расм).



### 2-расм. Асосий гуруҳ беморларида яллиғланиш маркерлари орасидаги корреляцион боғланиш.

Изох: α-ЎНО – ўсма некроз оксиди; ИЛ-6 – интерлейкин-6; ИЛ-17А – интерлейкин-17А; TGF-β2 – трансформацион ўсиш омили (transforming growth factor). Ишончлилик даражаси: \* – p<0,05; \*\* – p<0,01; \*\*\* – p<0,001; \*\*\*\* – p<0,0001.

Тадқиқотга киритилган беморлар қон зардобидида яллиғланиш чақирувчи цитокинлар - α-ЎНО, ИЛ-6, ИЛ-17А ҳамда яллиғланишга қарши цитокин - TGF-β2 касалликнинг турли оғирлик даражалари, кечиш турлари ҳамда турли фаоллик даражалари бўйича ҳам аниқланди. Дастлаб мазкур цитокинлар ЯК турли оғирлик даражалари бўйича қиймати ҳисобланди.

